O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 17 MART ◆ SHANBA ◆ № 34-35 (26.737)

«МЕҲР» — КЎЗГА НУР

Мурувват қуёш нурига ўхшайди — ҳамиша сахий. Айниқса, нурга талпинганлар — кўзи ожизлар учун олам қадар севимли. Буни Қашқадарё вилоятидаги кўзи ожиз болалар махсус интернати тарбияланувчилари юрак-юракдан ҳис қилмоқдалар. Гап шундаки, Англиядаги «Меҳр» халқаро хайрия ташкилоти бир неча йилдан буён ногирон болалар тарбия масканига меҳр назари билан қарамоқда.

Ана шу халқаро ташкилотнинг мутахассислари — эр-хотин Алрик ва Рианно Алберш кўзи ожиз болаларни даволаш ишларида қатнашмоқда. 1997 йилнинг май ойида Англиядаги Роял Халланшир Хоспитал клиникаси профессори Нил Рожерс интернатдаги болаларни тиббий кўрикдан ўтказганди. Айни пайтда Тошкент педиатрия институти қошидаги кўз касалликлари бўлимида ҳамкорлик ишларини давом эттираётган хорижлик мутахассис интернатдаги 27 нафар боланинг кўзларини даволаш мумкин, деган фикрга келди ва бу қалби умидга тўлган болалар тез орада Тошкентда, профессор иштирокида даволанадилар. Ҳозир улар қалб кўзлари билан яхшилик, мурувват ва меҳрни кўрмоқдалар.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҚИЗЛАР ҚЎР ТАШЛАГАНДА

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ХДП ХАБАРИ

ПАРЛАМЕНТЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленумининг «Ўзбекистон ХДП парламентчилик фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида»ги қароридан вилоят партия ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилган пленумда вилоят кенгаши биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққан Учқўрғон туман партия кенгаши биринчи котиби Тожимуҳаммад Маткаримов, «Пахтабанк» Янгиқўрғон туман бўлими бошқарувчиси, ХДПдан сайланган вилоят кенгаши депутати Мавлонхон Абдуллаев, Чортоқ туман Алихон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Замирахон Гайбуллаева маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, депутатлар жонбозлигини ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Пленумда ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди ва сўзга чиқди.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

КОЛЛЕЖЛАРДА МУНОСИБЛАР ИШЛАСИН

Сирдарё вилоятида 2 академик лицей ва 10 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Уларда вилоятнинг кўпгина ёшлари замонавий илм ва касб-ҳунар сирларини эгаллашмоқда. Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим бераётган ўқитувчи- муҳандислар малакаси ва илм савияси юқори бўлмоғи лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Вилоят таълим касб-ҳунар бошқармасидан маълум қилишича, ана шу масалага катта эътибор қилиш йўлида ҳаракат бошлаб юборилган. Ўқитувчилар ва бошқа тарбиячи мутахассислар савиясини ошириш борасида амалий чоралар кўрилаётир. Яқинда 24 нафар ўқитувчи чет элда малака ошириб қайтди. Вилоятда 3 та касб-ҳунар коллежи республика тажриба-синов марказига айлантирилган. Гулистон давлат университетининг 34 нафар ўқитувчиси вилоят касб-ҳунар коллежларида ўқув машғулотлари олиб боришади. Уларнинг асосий қисми фан доктори ва фан номзодлари, шунингдек, кўп йиллик малакага эга бўлган педагоглардир.

Ҳозирги пайтда вилоятда янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишларини авж олдириш билан бир қаторда уларда ишлаётган педагог кадрлар малакасини ошириш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

■ **Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ҚОРХОНА ҚУВВАТИ ОШАДИ

АҚШнинг савдо ва тараққиёт бўйича ваколатхонаси ҳамда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ўртасида Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасини таъмирлаш ва қайта тиклаш учун грант имзоланди.

Келишувга асосан корхонани техник-иқтисодий жиҳатдан молиялаш учун 500 минг АҚШ доллари ажратилди.

— АҚШнинг савдо ва тараққиёт бўйича ваколатхонаси саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкор мамлакатларга доим ёрдам бериб келмоқда, — деди элчи Жон Ҳёрбст жаноблари маросимда сўзлаб.— Ўзбекистонга ажратилган грант корхона қувватини ошириб, қишлоқ хўжалигига фосфор етказиб беришни кўпайтиради. Электр энергиясини тежашга, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга кўмаклашади.

■ **«Туркистон-ПРЕСС»**

«ЙИЛ МАКТАБИ»НИНГ ҒОЛИБИ

Нукус шаҳридаги 20-ўрта мактабда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

1732 нафар ўқувчи таълим олаётган бу мактабда шу ўқув йилининг ўзида олтита марказ очилди. Соғлом авлод, маънавият ва маърифат, мониторинг, педагогик технология, тест, диагностика марказлари ўқувчиларнинг ҳар томонлама камолга етишида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин: 1998 йили битирувчиларнинг 34 фоизи, 1999 йили 42 фоизи, 2000 йилда эса 46 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирган.

Бу йилги «Йил мактаби» кўрик-танловида ҳам шу жамоа Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллаб, ғолиб бўлган эди. Яқинда бу жамоа шу кўриктанловнинг Ўзбекистон Республикаси кўламида ўтказилган навбатдаги босқичида қатнашиб, учинчи ўринни эгаллади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МУНОСАБАТ

ЕР АВЛОДЛАР УЧУН ҲАМ КЕРАК

«Ўзбекистон овози»нинг 2001 йил 3 февраль сонидаги «Вақтинчалик унумдорлик ўз йўлига ёхуд ерга нисбатан хиёнат» мақоласи ҳақида

Мақолада кўрсатилган масала долзарб бўлиб, унда келтирилган фикр сабзавотчилик йўналишидаги айрим фермер хўжаликларида учраб турибди. Бунинг асосий сабаби сабзавотчилик фани тавсия қилган 8 далалик алмашлаб экиш тизимига риоя қилинмаётганидир. Пиёз майда уруғли экин бўлиб, вегетациясининг бошида секин ўсади ва ер бетини тез соялай олмай уни бегона ўтлар жуда сиқиб қўяди. Шунинг учун алмашлаб экишда далани ўтдан тозалаш имконини берадиган карам, картошка ва бодринг ўсимликлари пиёз учун энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.

Пиёз ўсимлиги ўсув даврида ердаги озиқ моддаларни унчалик кўп (гектарига 400 кг.) сарфламайди. Ерда азотнинг, айниқса, пиёз ўсув даврининг иккинчи ярмида кўп бўлиши унга ҳатто зарар етказади, чунки бу ҳолда пиёзнинг етилиши кечикади ва яхши сақланмайди.

Пиёздан олдин экиладиган экинларга янги гўнг солиниб, пиёз экилгач эса гектарига 20-25 тонна яхши чириган гўнг солиш тавсия этилади. Пиёз ва бошқа бир йиллик қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосилга қараб, шу миқдорда (ёки камида 40 т.) гектарига гўнг солинмаса тупроқ унумдорлиги йилдан-йилга камайиб боради.

Пиёз пайкалларида учрайдиган бир йиллик, икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши қуйидаги препаратлардан бирини сепиш тавсия қилинади: (га.): Фуроре супер — 0,8-1,2 л., Фюзилад супер — 1-2 л., Тотрил — 2-3 л., Набу — 1,5 л., Гоал 2Е — 0,5 л., Центурион — 0,7-1,0 л.,

Шу билан бирга мақолада келтирилган ДДТ, ГҲИГ, ДДЕ (нематоцид) каби препаратларнинг тупроқда ва беда хашагида ҳамда бошқа экинларда сақланиб қолганлиги тўғри, бироқ бу препаратларни ишлаб чиқаришда қўллаш 1980 йилларда мутлақо тақиқланган. Газетада келтирилган нохуш маълумотларнинг олдини олиш учун нафақат пиёзда, балки барча сабзавот экинларида минерал ўғитларни фан тавсия этган меъёр ва солиш муддатларига тўлиқ риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

■ **Шерали НУРМАТОВ, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори**

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

БУ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТ

Кувват НАМОЗОВ, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Касби туман бўлими бошлиғи:



Кечалари баъзан уйқум қочиб уйғонаман. Бўлаётган ишлар, ўтган воқеалар хаёлимдан ўтади. Қандай кунларни бошдан кечирмадик, дейман. Бир марта қорин тўйиб овқатланиш катта байрам, оддий бўздан оҳори тўкилмаган кўйлак кийиш тантана саналган дамлар ўтиб кетди. Тўғрисини айтсам, у пайтларда уст-бош ҳақида ўйламасдик, фақат қориннинг ғамини чекардик.

Биз — мен ва сингилларим урушдан кейинги очлик, қаҳатчилик йилларида, ундан кейин инсон қадри бир пулга тенг бўлган совет иттифоқи аталмиш собиқ салтанатнинг «гуллаб-яшнаган», яъни инсон эрки, ота-боболаримиздан мерос қадриятлар қадр топмаган йилларда етимесир ҳолда ўсдик. Фақат қорин тўйғазиш учун ҳам бировларнинг ҳовлисида нима хизмат бўлса, қилдик. Давлат ҳатто одамларнинг ҳовлисидаги ғалладан тортиб мол-ҳолигача олиб қўйган эди. Ёғирчоқда ун тортиларди. Олов ёқиш учун ҳам гугурт йўқ эди.

Ота-боболар билан боғлиқ урф-одатлар, мерос, қадриятлар ота-она бағрида улғайган болалар учун унча сезилмас, аммо менга ўхшаб етим ўсган болалар учун ушбу урф-одатлар, қадриятлар, таъбир жоиз бўлса, салкам ота-она бағрида деган тушунчанинг ўзи билан тенг эди. Афсуски, тақдир менга ўхшаганларга ота-онани кўп кўрган бўлса, мавжуд тузум уларни эслатувчи хотиралар — ҳайитлару Наврўз байрамларини ҳам эмин-эркин нишонлашга изн бермасди.

Мен ҳозир, халқимизнинг ибораси билан айтганда, пайғамбар ёшидаман. Фарзандларим, набираларим бу қутлуғ ёшингизни янги асрнинг биринчи баҳорида нишонлайлик, дея мени севинтиришмоқда. Яқинларим — фарзанду набираларимнинг менга бўлган иззат-ҳурмати, эътибори туфайли кўнглим тоғдек кўтарилиб юрибди.

Эзгу ишларга кенг йўл очиб, ҳайитларни, Наврўзларни кенг нишонлаш, уларнинг орасида тўй-томошаю ўлим-йитим билан боғлиқ маросимларни қадриятларимизга риоя этган ҳолда ўтказиш учун шарт-шароит яратиб берган давлат ва унинг раҳбарига халқ ҳамиша ва ҳар ерда мададкор бўлғусидир.

Бугунги ҳаётимизга бир қур назар ташланг. Нима кам, нима йўқ? Ҳамма нарса бор-ку, ҳамма нарса етарли-ку. Фақат айрим одамларда қунт, ҳафсала, тадбиркорлик йўқ. Баъзи бировларда қатъият, ирода, чинакам инсонга хос жасорат етишмайди. Айримларнинг бўйни меҳнатга ёр бермайди. Меҳнатдан қочадиганлар, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юраман, деган калтафаҳмлар пайдо бўлган.

Бугун ким яхши яшаётган экан, аввало ўзидан, қолаверса, мустақилликдан миннатдор бўлиши, ким кўнгилдагидек кун кечирмаётган экан, у ҳам ўзидан ва фақат ўзидан қойиниши керак. Мен олдинги замон ва бугунги ҳаётни ўз кўзи билан кўриб, ақли билан англаб турган бир киши сифатида бу гапни қўлимни юрагимга қўйиб, холисанилло айтмоқдаман. Ҳозир меҳнат қилган одам яхши яшайди. Қишлоқларда бунинг учун имконият мавжуд. Ҳамманинг томорқаси, ҳовли-жойи бор. Афсуски, кўпчилик ўз томорқасига йилда бир марта маккажўхори ёки беда экишдан бошқа нарсани билмайди. Айрим одамлар меҳнатдан, айниқса, деҳқончиликдан чиқиб кетган.

Мен асли ўқитувчиман. 16 йил болаларга дарс бердим. Қишлоғимиздаги Айний номидаги мактабни ҳамқишлоқларимизнинг кўмаги, яъни ҳашар йўли билан тиклаган эдик. Унда мингга яқин ўқувчи ўқимоқда. Бугунги кунда қурилаётган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларни кўриб кўзим яшнайди. Фарзандларим ўзаро инглизча сўзлашмоқда. Мактабда компьютер ўрганаётганини айтиб қолади. Бизнинг ёшлигимизда бундай гаплар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмасди. Ўн йилдек қисқа муддатда нақадар тез суръатларда ривожланаётганимиздан қувонмай бўладими?!

Пахта, ғалла ва бошқа экинлардан ҳар хил табиий офатлар туфайли кўрилган зарарни бартараф этишда хўжаликларга ёрдамлашамиз. Қишлоқ аҳлига кўмакчи бўлишга ҳаракат қиламиз.

Кўпни кўрган бир инсон сифатида айта оламанки, Юртбошимизнинг халқпарварлиги, умуман бутун халқимизнинг ислоҳотларни амалга оширишда жон қуйдириб меҳнат қилаётганликларини ўз кўзим билан кўриб-билиб турибман. Шак-шубҳа йўққи, бу фидойилик бугунимизнинг кечадан, эртамизнинг бугундан фаровонроқ бўлишини таъминлайди.

BU dunyoning ishlari

НЕФТЬ ҚАЗИШ ҚИСҚАРАДИ

ОПЕК давлатлари нефть қазиб олишни камайтириш бўйича келишувга эришди, бироқ унинг қанчалик қисқариши ҳали аниқ эмас. Ташкилот раиси, Жазоир энергетика ва тоғ-кон саноати вазири Шоқиб Ҳеллил шуни маълум қилди. Унинг айтишича, қисқарув ҳажми тахминан 0,5-1,5 миллион баррелни ташкил қилиши мумкин.

ДОПИНГ ТАҚИҚЛАНАДИ

Украина парламенти спортда допингни тақиқловчи халқаро конвенцияни ратификация қилди. Мазкур конвенция 1989 йилда Франциянинг Страсбург шаҳрида имзоланган бўлиб, Украина унга 1998 йилнинг июль ойида қўшилган эди. Ҳужжатда белгиланган талабларга кўра, Украина ҳукумати ўз ҳудудида допингга қарши назоратни кучайтириш мақсадида бир қанча лабораториялар қуриши ҳамда спорт қўмиталарига бу борада кўмак бериши лозим бўлади.

САФАРБАР ЭТИЛДИ

Бирлашган Араб Амирликларида яна 14 қорамол оқсим касалига чалингани аниқланди. Бир неча кун олдин 8 жонивордан оқсим вируси топилган эди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ветеринария хизматининг барча ходимларини ушбу касаллик тарқалишининг олдини олишга сафарбар этди. Барча чорва фермалари текширувдан ўтказилмоқда. Шаҳарларда эса маъмурият вакиллари одамлар орасида тушунтириш ишлари олиб боряпти.

ФИКР АЛМАШИЛДИ

Деҳлига келган БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ҳиндистон раҳбарияти билан музокара ўтказиб, минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчилик, БМТни ислоҳ этиш масалалари юзасидан фикр алмашди. Бу Бош котибнинг Жанубий Осиёдаги қатор мамлакатлар бўйлаб қилган сафарининг сўнгги нуқтаси бўлди. Кофи Аннан Деҳлидан ташқари Ҳайдаробод шаҳрини ҳам зиёрат этишни режалаштирган.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Россия томони 25 март куни Иркутскда бўладиган Россия — Япония саммитига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Москвадан олинган хабарларга кўра, ўша куни Президент Владимир Путин ва Бош вазир Иосиро Мори асосан икки томонлама муносабатларга оид масалаларни муҳокама қилиб, қўшма декларацияга имзо чекади. Саммит кун тартибидаги мавзулар қаторида ҳудудий баҳслар масаласи ҳам бор.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Македонияда махсус тайёрланган ҳарбийлар гуруҳи билан албан айирмачилари ўртасидаги тўқнашувлар жуғрофияси кенгаймоқда. Айни вақтда Македониядаги катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Тетово шаҳрида жанг кетмоқда. Ҳарбийларнинг айтишича, айирмачилар яхши қуролланган. Улар миномёт каби вайрон қилувчи қуроллардан ҳам фойдаланмоқда.

БЕПУЛ ВАКЦИНА

Хитойга Японияда полиомиелит хасталигига қарши вакцина келтирилди. 3,12 миллион доллар-лик бу вакцина хитойликларга бепул тақдим этилди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили Чжу Циншэннинг айтишича, ўтган йили Японияда полиомиелит муаммосига бағишланган халқаро анжуманда Хитой хасталикни тугатишда энг кўп жонбозлик кўрсатган давлат сифатида тан олинган. Бироқ, касаллик айрим давлатларда мавжуд бўлгани сабабли Хитойнинг баъзи вилоятларида унинг вируслари яна пайдо бўлаётир.

Ўзбек халқи Наврўзни азалдан ардоқлаб келган. Унга алоҳида эътибор билан тайёргарлик кўради. Байрамларни тантанаю шодиёна билан ўтказиш ўзбекка одат. Энг севимли байрамимиз Наврўз ҳам бундан мустасно эмас. «Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий-ижодий гуруҳи» раҳбари, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари Баҳодир Абдураҳимов билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

40 ДАН ОРТИҚ ДАВЛАТДА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

— Баҳодир Абдураҳимович, авваламбор, иш айни қизиган пайтда саволларимизга жавоб беришга вақт ажратганингиз учун ташаккур. Айтинг-чи, бу йилги Наврўз байрамининг асосий мавзуи қандай?

— Бу йилги Наврўз мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига тўғри келгани боис Ўзбекистон халқи учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йилги Наврўз байрамига Ватанимиз ижтимоий ҳаётидаги энг асосий ўзгаришлар ва муҳим воқеалар ҳамда халқимизнинг қадимги тарихий удум ва қадриятлари мавзу сифатида танлаб олинган. 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш, аёлларга, фарзандларимизга, уларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишларига тинмай эътибор берилаётганидан далолатдир. Халқимизнинг очиққўнгиллиги, доимо эзгуликка интилиб яшаши, хавф-хатар келганда бир жонбир тан бўлиб жипслашиш хусусиятлари «Авесто» оҳангларидан бизга мерос бўлиб келган. Жаҳонга машҳур қадимий шаҳарларимиз қаторида ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Термизнинг илм-фан, маданият ва санъат ўчоғи бўлганлиги ва ҳозирги кунда ҳам гуллаган диёрлиги санъат тилида ифода этилади. Алоҳида эътибор Алишер Навоий ҳазратларининг ижоди ва ҳаёт йўлига, бу зотнинг Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбияловчи фаолиятига берилади. Ватанни севиш ва эъзозлаш халқимизга хос бўлган туйғу эканлиги саҳнада яққол намоён бўлади. Президентимизнинг мамлакат ёшларига, келажак авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги Ватанимиз эртаси порлоқ эканлигига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Юқоридаги ва бошқа бир қанча йирик мавзулар Наврўз байрамининг асосий саҳнасида ўз аксини топади.

— Наврўз тантаналарини ўтказиш анъанавий тус олиш билан бир қаторда, йилдан-йилга ўзгача тароват касб этмоқда. Бу йилги байрам дастурига қандай янгиликлар киритилган?

— Тадбирга тайёргарлик кўришни бундан 2 ой олдин бошлаб юборганмиз. Авваламбор байрам тадбирлари қурувчиларимиз томонидан янгиланган, йирик тадбирларни юксак савияда ўтказишга мослашган, санъаткорлар ва томошабинлар учун қулай бўлган саҳна мажмуасида бўлиб ўтади. Тадбирни тайёрлашда 10 мингдан ортиқ санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари, спортчилар, талабалар, ёш ижрочилар ҳамда бир гуруҳ ижодий ва техник мутахассислар иштирок этади. Байрамнинг юқори савияда ўтишига саҳна ва унинг атрофига ўрнатиладиган жиҳозлар, анжомлар, махсус қурилмалар, реквизитлар, қатнашчилар учун тикилаётган ранг-баранг уст-бош кийимлари замин бўлади. Байрам дастурини бойитиш, унинг мазмунини чуқурлаштириш мақсадида бу йил январь-февраль ойларида республикамизнинг барча вилоятларида мавжуд бўлган эстрада жамоалари ва хонандаларининг кўриги ўтказилди, энг иқтидорли ёш ижрочилар, энг янги мусиқа асарлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан танлаб олинди ва байрам дастурига киритилди. Дастурдан ўрин олган дорбозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар, цирк усталари, масхарабозлар, акробатлар ва бошқа қизиқарли жанрлар вакилларининг чиқишлари байрам тадбирининг жозибали ва томошабоп бўлишини таъминлайди. Байрамда Тошкент шаҳри туманлари ҳам фаол иштирок этадилар. Туман маданият ишлари бўлимлари ва турли ташкилотлар қошидаги бадиий жамоалар ўзларининг янги дастурларига сайқал бериш устида тинмай ишлаяптилар. Байрам ташкилотчиларининг фикрича, бу йилги Наврўз байрами алоҳида тароватли бўлишига барчамиз гувоҳ бўламиз. Бундан ташқари, байрам томошалари 40 дан зиёд чет мамлакатларга телевидение орқали намойиш этиладики, хорижий томошабинлар ҳам бизнинг қадимий ва ҳамиша навқирон байрамимиз тантаналаридан баҳраманд бўладилар.

— Ота-боболаримизнинг «Тўй кўпчилик билан» деган гаплари бор. Наврўз тантаналари ҳам катта тўйдай гап. Байрамнинг сценарий муаллифлари, бастакорлари, режиссёрлари, рақсларнинг саҳналаштирувчилари тўғрисида ҳам тўхталсангиз?

— Ҳар йилги йирик умумхалқ байрамларимизни ташкил этишга биз таниқли ижодкорлар билан бирга ёш санъаткорларни ҳам таклиф этамиз. Бу йилги Наврўз байрами сценарийсини Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов тайёрлаган. Байрамга Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидов бадиий раҳбарлик ва бош режиссёрлик қилади. Байрамнинг йирик саҳна кўринишларига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходимлари Эдвард Колосовский, Александр Калуцкий, Ўзбекистон Республикаси санъат арболари Юлдуз Исматова, Носир Отабоев, Шокир Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артистлари Қодир Мўминов, Маъмура Эргашева, Вилоят Оқилова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Марат Азимов, Рустам Маъдиев, Зуҳра Ғиёсова, Баҳрулло Лутфуллаев ва бошқа мутахассислар бошчилик қилмоқдалар. Улар билан бир қаторда кўплаб таниқли ижодкорлар – режиссёрлар, балетмейстерлар, суҳандонлар, рассомлар, овоз операторлари, муҳандислар ва бошқа зарур касб соҳиблари меҳнат қилмоқдаларки, барчасининг номларини санаб ўтиш учун имкониятим йўқлигидан хижолатдаман...

— Вилоятларнинг бадиий жамоалари қандай дастурлар олиб келишади?

— Ҳаммамизга маълумки, республикамиз вилоятларининг ҳар бири нафақат ижтимоий, табиий ва бошқа жиҳатлари билан, балки ўзининг бой санъати билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Ҳар бир вилоятнинг чиқиши байрам тадбирларининг узукка ярашган зўдек кўрки бўлиб, халқ маросимлари ва байрамлари жойларда қандай ўтказилишини республикамизнинг барча аҳолисига намойиш этади. Ҳар бир вилоят байрамда қайтарилмас санъатини намойиш этиб, халқимизни ва кўп миллионли телетомошабинларни хушнуд этади. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни Наврўз билан табриклаб, байрам томошаларига таклиф этамиз. Хуш келибсиз.

■ **Суҳбатдош: Баҳром ШАРИПОВ, «Жаҳон» АА**

***

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ЭЛЧИХОНАДА БРИФИНГ

Маълумки, 1992 йил 30 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида шартнома, шунингдек, 1993 йил 19 март куни қабул қилинган маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ҳамда туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳақида келишув имзоланган эди.

Бугунги кунга келиб икки мамлакат ўртасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди. Бунинг ёркин исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, куни кеча Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биносида қўшни мамлакат халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази ваколатхонаси очилди. Бундай марказлар Россия Федерацияси ҳукумати томонидан дунёнинг кўпгина мамлакатларида ташкил этилган. Тошкентда очилган ваколатхона эса Ўрта Осиёда ягонадир.

Ўйлаймизки, мазкур марказ Ўзбекистон — Россия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

■ **Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

ЭКИЛГАННИ ЭМАС, КЎКАРГАННИ КЎРИНГ

Кўклам меҳнат билан кўркам, дейдилар. Айни кунларда юртимизнинг шаҳар-қишлоқларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда. Боғбону соҳибкорларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиб, боғ ва токзорларга ишлов беришмоқда.

Одатда ҳар йили кўчат экиш ойлиги ўтказилади. Йилига юз минглаб, миллионлаб кўчат ўтқазилади, лекин вақтида парвариш қилиниб, суғорилмаганлиги туфайли аксарияти қуриб қолади. Одамларнинг меҳнатию қанчадан-қанча маблағ кўкка совурилади. Аслида эса... экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб... Кўчатнинг бўй кўрсатиб, бир куни мева бергани амал.

Бу йил ана шу нақл измида ҳаракат қилиняпти. Авваламбор бунинг учун яхши кўчатлар керак. «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясида 3 миллион дона мевали дарахт, 2 миллион туп ток кўчатлари етиштирилди. Айни пайтда 100 минг тупдан зиёд манзарали дарахт, 900 минг дона атиргул кўчати тайёр.

— Биз бу йил 500 минг дона терак кўчатларини ҳам шайлаб қўйдик, — дейди корпорация раисининг ўринбосари Маҳмуд Деҳқонов. — Бу кўчатларни шаҳарликлар ҳам харид қилишаётир. Кунига 50 минг тупдан зиёд турли кўчатлар сотилаётганлиги фикримиз далилидир.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

ҲАР ГЎША ГУЛЗОР, ОБОД

Мамлакатимиз мустақиллиги байрамини муносиб кутиб олиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришни янада кучайтириш, миллий қадриятларни янада бойитиш, санъат, маданиятни ривожлантириш, маънавият баркамоллигини таъминлаш мақсадида ўтказилган «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» кўрик-танлови кўпчиликнинг эътиборини тортган оммавий тадбирга айланди. Кўрик-танловнинг 2000 йил босқичи ғолиблари аниқланди. Асака тумани биринчи, Андижон шаҳри ҳамда Жалақудуқ тумани иккинчи, Асака шаҳри ва Булоқбоши тумани учинчи ўринларни эгалладилар. Андижон, Олтинкўл, Марҳамат туманлари рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлдилар. Ғолибларга 2 миллион сўмдан 100 минг сўмгача пул ажратилди.

Кўрик-танловнинг бу йилги босқичи тадбирлари янада кўтаринки руҳда давом этаяпти. Ҳар бир хонадонда, маҳалла, шаҳар ва туманларда дарахт кўчатлари ўтқазиш, ободонлаштириш ишлари жадал бораяпти.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан, Чортоқ тумани партия кенгашида, бўлиб ўтган қабул маросими тантанали тус олди. Турли соҳа илғорлари вакилаларининг меҳнатлари юксак қадрланиши ҳақидаги илиқ сўзлар айтилиб, уларга байрам совғалари тақдим этилди.

***

Ўзбекистон ХДП Чортоқ туман кенгаши томонидан ташкил этилган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этишга доир, машғулотлар давом этмоқда. Ўтган ҳафтадаги ўқув машғулоти «Ўзбекистон Республикаси мустақиллик самараси» мавзуига бағишланди.

***

Наврўз меҳр-оқибатни, одамийликни сўроқлайди. Тўрақўрғон туман партия кенгаши, баҳор айёми муносабати билан, тумандаги якка-ёлғиз яшовчи қариялар хонадонларига йўқлов уюштирди.

***

Учқўрғон туман партия кенгаши «Уч авлод учрашуви» тадбирини ўтказди. «Бир пиёла чой» устидаги, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирок этган, учрашув қизиқарли ва мулоҳазаларга бой бўлди.

***

ХДП Учқўрғон, Уйчи, Мингбулоқ туман кенгашлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини уюшқоқлик билан ўтказишда ташаббускорликни қўлдан бермаяптилар.

***

Шаҳрихон туман хотин-қизлар кўмитаси, ХДП туман кенгаши ҳамда вилоят «Ёшлар» телерадиокомпанияси ходимлари ташаббуси билан, «Шаҳрихон» супермаркетида, «Аёл билан олам мунаввар», деб номланган, кеча ва томоша дастури тайёрланди.

***

Ўзбекистон ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши ташаббуси билан, Тошкент молия институтининг 1-талабалар уйида, миллий анъаналаримиз, тарихий қадриятларимизга бағишланган, учрашув ўтказилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган ушбу тадбирда, ахлоқий ва маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, уларнинг фаоллигини ошириш масалалари юзасидан, фикрлар билдирилди. Талабаларга «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

ХДП сафига кириш истагини билдирган 32 нафар ёшлар партия билетларини олдилар.

Учрашувда «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокими А. Акромхўжаев, Тошкент молия институти проректори И. Набиевлар иштирок этдилар.

***

Қашқадарё вилоят партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, партия ташкилотларининг республика мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этиш ҳамда, Наврўз байрами муносабати билан, партия кенгашларининг тадбирлари тўғрисидаги, масалалар муҳокама этилди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов муҳокама этилган масалалар мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича сўз юритди.

Ижроия бюро кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

***

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси вилоят бўлими билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзолади. Унга асосан, «Экосан» жамғармаси ижтимоий вазифалари ва Ўзбекистон ХДПнинг экология сиёсати ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича, дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда, муштарак ҳолда, фаолият олиб борилади.

Шаҳар ва туманларда «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказиш, «Экология ва иқтисодий сиёсат», «Экология ва ёшлар», «Аёл ва экология» ҳамда, бошқа экологик муаммолар бўйича, семинарлар, конференциялар ўтказиш шартноманинг мазмунини ташкил этади.

***

«Шўртанкимёмажмуаси»даги, «Ўзбекнефтқайтаишлаш» акциядорлик компаниясига қарашли, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари ҳамда хайрихоҳларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши котиби Р. Ражабов иштирок этиб, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият, миллий истиқлол ғоясининг моҳияти, жамиятимизда сиёсий партияларнинг ўрни ҳақида сўз юритди ва, ушбу масалалар юзасидан, йиғилиш қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилоти ва 5 кишидан иборат ижроия бюро таркиби тузилди. Қаландар Содиқов бошланғич партия ташкилоти котиби этиб сайланди.

Бошланғич партия ташкилоти таъсис йиғилишида Қарши шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р. Муртазаев қатнашди.

***

Ўзбекистон ХДП Қамаши туман кенгаши ташаббуси билан, тумандаги «Фарғона» кооператив хўжалигида, мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида юз бераётган маънавий янгиланишлар, халқимиз фаоллигини оширишда қилиниши зарур бўлган вазифаларга бағишланган, семинар кенгаши ўтказилди. Мазкур, партия фаоллари ва ишчи ходимлар иштирок этган, семинар кенгашда туман партия кенгаши биринчи котиби Ш. Бердиев маъруза қилди.

***

Ўзбекистон ХДП Қарши туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда кенгаш биринчи котиби Ш.Амиркулов, партия ташкилотларининг миллий истиқлол ғоясини тарғибот-ташвиқот қилишдаги вазифалари ҳақида, маъруза қилди.

Пленум ишида туман ҳокими О. Хайруллаев иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ТАДБИР

САВОБ ИШ ҲАММАГА ЯРАШАДИ

Халқимизда Наврўз байрами арафасида янги боғлар яратиш, кам таъминланган, қаровчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олиш каби кўплаб эзгу ва савоб ишларни қилиш азалий анъанага айланиб қолган.

«Зангиотаматлуботсавдо» очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг бу борадаги хайрли ишлари таҳсинга лойиқдир. Туманнинг «Эшонгузар» қўрғони ҳудудидаги «Гунафша» супермаркетининг юқори қаватларида жамият жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан 300 ўринга мўлжалланган янги турли хил тадбир ва тўй маросимларни ўтказиш кошонаси фойдаланишга топширилаётир. Бундан ташқари, жамият жамоаси ёшларнинг кўнгилли дам олиш масканини ҳам байрам арафасида уларга туҳфа этиш ниятида.

— Байрам арафасида боқувчисини йўқотганлар, меҳнат ва уруш қатнашчиларига беминнат ёрдам кўрсатилади, беморлар ҳолидан хабар олинади, — дейди «Зангиотаматлуботсавдо» очиқ акциядорлик жамияти раиси Отабек Бадалов. — Бу ишларни амалга оширишимизда туман ҳокимлиги ҳам бош-қош бўлмоқда.

Хуллас, халқимизнинг янгиланиш, покланиш, яшариш байрами — Наврўзда эзгу ва савоб ишлар қамрови янада кенгаяди. Зеро, савоб ишни ҳар биримиз ҳар куни қилишимиз керак. Эл удуми — савоб иш ҳаммага ярашади.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ШИЖОАТЛИЛАР МАЙДОНИ

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Тошкентда ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Президенти бундан беш йил илгари ташкил этилган «Камолот» жамғармаси ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошира олмаганини таъкидлаб ўтган эдилар. Ўшанда Юртбошимиз ёшларнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг чинакам таянчи ва суянчи бўла оладиган янги ташкилот тузиш ғоясини илгари сурди. Юртбошимиз ушбу ташкилот «Камолот» номини сақлаб қолиши, аммо унинг иш юритиш услуби жамғарманикидан тубдан фарқ қилиши лозимлигини уқтиргандилар.

Бугун юртимизнинг қай бир ўқув даргоҳига борманг, ким билан гаплашманг янгидан шаклланаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати эртага қандай бўлиши, ёшларни қай тартибда бирлаштира олиши ҳақида баҳс ва мунозаранинг устидан чиқасиз. Аксарият мунозараларда ушбу ҳаракатнинг Низом ва Дастури ёшларнинг орзу-истаги, дунёқарашига мосми, хулласи, шу ҳақдаги фикрлар билдирилмоқда.

Бир нарса аниқ: ёшлар бу ҳаракатнинг ҳаётда учраб турадиган турли тўсиқлар, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўсмирлар учун ҳимоя ва мадад бўладиган ташкилот бўлиши лозим дейишмоқдалар.

Биз Самарқанд кооператив-тижорат коллежи талабалари ҳузурида бўлганимизда коллеж талабалари ҳам «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Дастур ва Низоми лойиҳасини ўрганаётганлигига гувоҳ бўлдик.

— Биз учун яратилаётган имкониятлар зиммамизга катта масъулият юклайди. Чунки, бугунги ўқувчи ёки талаба, ким бўлишидан қатъи назар ўз мустақил мақсад-режасига эга бўлиши керак, — дейди «Ҳисобчи-молиячи» бўлимининг учинчи курс талабаси Азиза Ҳазратқулова.

— Ўқув юртимиз қошида ташкил этилган «Фидойи ёшлар» гуруҳи билан қишлоқдаги тенгдошларимиз даврасида бўлганимизда айрим йигит-қизларнинг қалбидаги умидсизлик, ҳафсаласизликни сездик. Ана шу умидсизликдан халос бўлиш, бир-биримизнинг тақдиримизга бефарқ қарамаслик бизга кўп нарса бериши мумкин. Эндиликда бу ҳаракатни энг яқин маслакдошимиз, таянчимизга айлантириш эса фақат ва фақат биз ёшларга боғлиқ, деб ўйлайман. Қаерда амалий иш бор экан, ўша жойда ўсиш, юксалиш бўлади. Қуруқ, баландпарвоз ваъдалардан истаймизми-йўқми бир куни зерикамиз, жонимизга тегади, — дейди «Савдо-тижорат ва ҳуқуқшунослик» бўлимининг иккинчи курс талабаси Нилуфар Умарова.

— Дарҳақиқат, ёшлар билан ишлаш, муаммоларини ҳал этишда шунчаки ёндашмасдан аниқ, амалий ёрдам бериш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини яхшилаб уқиб олишимиз зарур, — дея суҳбатга қўшилади коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Худойназар Эргашев. — Коллежимизда оилавий шароити ночор талабаларни «контракт» тўлов шартномасидан озод этиб, касб-ҳунар эгаллаши учун зарур ўқув қуроллари билан таъминладик. Аълочи ва жамоатчи талабаларга пул мукофотлари жорий этилган. Бундан ташқари, талабаларимизнинг 90 фоизи «Фидойи ёшлар» гуруҳига аъзо, уларнинг ўз-ўзини бошқариш, боқимандалик кайфиятидан бутунлай қутилишлари учун кулолчилик, сопол буюмлар ишлаб чиқариш цехи ҳамда полиз экинларини етиштириш мақсадида иссиқхоналар ташкил қилдик. Буларнинг барчаси, албатта, талаба-ёшларнинг меҳнати билан амалга оширилди. Фарзандларимизнинг ҳаётига янада яқинроқ кириб бориш, истак-хоҳишларини ўрганиш одатий ишимизга айланган. Ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳар, туман прокуратураси, ички ишлар ходимлари, маънавият марказлари билан ҳамкорликда учрашувлар, очиқ мулоқотлар ва давра суҳбатлари уюштириляпти. Яқинда «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказдик. Бундан кўзланган мақсад фарзандларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишини йўлга қўйишдир.

Бугунги долзарб мавзу — ёшлар муаммолари, тақдири, келажаги ҳақида коллеж ўқитувчи-мураббийларидан маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини Абдуллаев ҳамда Ш. Содиқова, М. Бобомуродова, И.Раҳматов, Ш. Орипов, М.Зайниддиновалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мулоҳазалар, албатта, ёшларга ибрат бўлгулик эди. Коллеж талабалари ҳадемай халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қила бошлайдилар.

Хуллас, бу ерда эртанги кунимиз яратувчилари — иқтисодчи, ҳисобчи, молиячиларнинг бўй-басти намоён бўлмоқда.

■ **Комилжон ҚИЁМОВ, Мусаллам УМИРОВА**

***

СУРАТЛАРДА:

1. Коллеж маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини Абдуманноп Абдуллаев талабалар билан мулоқотда. 2. «Солиқ ва солиққа тортиш» бўлими талабалари машғулот жараёнида. 3. Коллеж тарихи акс этган музей доимо талабалар билан гавжум. 4. Бўлим мудири Истам Раҳматов ўқитувчилар билан фикрлашмоқда.

TBIS

«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ



барча юртдошларимизни НАВРЎЗ БАЙРАМИ билан чин дилдан муборакбод этиб, ҳамма хонадонларга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайди.

Баҳор фасли Ўзбекистонимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларини безамоқда.
Баҳор гўзаллик ва эзгулик билан ҳаётимизга кириб келди.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланадиган қутлуғ сананинг баҳорида ўзгача жозиба ва нафосат уфуриб турибди. Бу — шану шавкатимиз, фахру ғуруримиз, дилларимизни завқу шавққа тўлдирувчи Ҳурриятимиз баҳоридир!

«ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни баҳор ва бахт, шодлик ва навқиронлик тантанаси —

Наврўзи олам

билан табриклайди.

Ҳадемай карнай-сурнай, чилдирмаю ноғоралар садоси байрамдан дарак беради. Ниятимиз — «Оналар ва болалар йили»да ҳар бир хонадондан иликлик, аҳиллик йироқлашмасин. Оилалардан қут-барака ва фаровонлик кўтарилмасин!



BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами — **Наврўз айёми** билан чин дилдан самимий қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, омадлар, Ватан ободлиги, гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчанлик меҳнатингизда зафарлар тилаймиз. Ҳаётингиз баҳор қуёши каби чароғон, осмон каби мусаффо бўлсин.

Азалий қондош-қардош ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик асрлар оша мустаҳкамланиб бораверсин!

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

«АКМАЛ»

ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини ажойиб байрам —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлайди.

«Оналар ва болалар йили»да юртимизнинг жамики инсонлари келажакка янада умидворлик билан қарамоқдалар. Айни пайтда далаларда буғдой, арпа майсалари кўзни қувонтиради. Ҳадемай бободеҳқонларимиз етилган ерларга барака уруғи — чигит экишни бошлаб юборадилар. Ўйлаймизки, бу йил пахтадан мўл ҳосил кўтарилади. Бу, албатта, бизга ҳам фойдали. Чунки қайта ишлаш учун кўплаб хомашё оламиз-да. Ниятимиз шуки, юртимиз бундан буён ҳам гуллаб-яшнасин. Хонадонларимиздан эса қут-барака аримасин!